



БИР СОАТЛИК ДАРС

-

ЙИРИК БИР АСАРДИР

**(“Яхши муаллим – сифатли таълим”
тадбирлар комплекси асосида)**

Чортоқ шахри

Муаллифлар:

Г. М. Қўшмонова – Чортоқ туманидаги 5-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Халқ таълими аълочиси.

Қ. Қосимов – Чортоқ туманидаги 5-сонли Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси.

Тақризчи: Қ.Маматалиев - вилоят Методика маркази раҳбари

Мазкур услубий қўлланма Халқ таълими вазирлигининг “Яхши муаллим – сифатли таълим” тадбирлар комплекси асосида яратилган бўлиб, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Мазкур услубий қўлланма вилоят методика марказининг 2016 йил январдаги 01/01 сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланиб, фойдаланишга тавсия этилди

Сўз боши

Келажаги буюк Давлат-мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси, маънавиятини шакллантиришда, қарор топтиришда халқ таълими тизимининг аҳамияти ниҳоятда салмоқлидир. Ҳозирги ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти ХХІ асрда ўтади, демак, уларнинг янги асрда қандай билимлар билан қуролланишлари ўта муҳимдир. Шунинг учун ўқув дарсликлари, услубий қўлланмалар ва дарс ишланмалари миллий мафкура, умуминсоний қадриятларга ва бой ўтмиш меросимизга асосланган бўлиши, шунингдек, мустақил ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага чиққан давлат ва миллий эҳтиёжларни қондиришга қаратилмоғи, ҳар томонлама илмий асосланган ва тажрибада қўлланган бўлиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун узвийлаштирилган дастур мустақил диёримизнинг иқтисодий маданий, маорифий ва маънавий ривожланиш динамикасини ўқувчилар кўз олдида намоён этиш ва улар онгига сингдиришга хизмат қилади. Бу борада мазкур услубий қўлланма ўқитувчиларда изчил мантиқий фикрлашни шакллантириб бориш натижасида уларнинг ақл-заковат ривожига, табиат ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўллари топа олишларига кўмаклашиши;

-инсоният камолати, ҳаётнинг ривожига, техника ва технологиянинг такомилланиб боришини ҳисобга олган ҳолда тажрибаларда синалган усуллар билан ўқитувчиларни хабардор қилишданиборат.

Ҳозирги вақтда мактаб ўқитувчилари олдида фан асосларини ўқитишнинг илмий-назарий савиясини кўтариш, ўқитиш усуллари такомиллаштириш натижасида дарс самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдек ишлар турибди. Бу вазифаларни бажаришда янги педагогик изланиш натижаларини амалиётга жорий қилиш долзарб муаммолардан биридир.

Шу маънода мазкур қўлланмада жуда долзарб мавзу ёритилган. Қўлланма муаллифларнинг бир неча йиллик илмий ва амалий изланишлари натижаси самарасидир.

Ўқитувчи - ёш шахс маънавий дунёсининг меъморидир

Мустақил Ўзбекистонимизда ислохотлар тобора кенг кулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабхаларида, жумладан, ёш авлод таълим тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида етарли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг ижтимоий – иқтисодий камолоти ёш авлоднинг сайи ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбни эгаллашига қараб, Республикамиз келажagini тасаввур қилса бўлади. Келажак-ёшларимизники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим – тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Ҳар бир ижтимоий тарихий формацияда тарбиянинг мазмуни албатта турлича бўлган. Аммо **ўқитувчи кишилиқ жамияти тарихида асосий сиймо** бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўқитувчилик инсоният тарихида энг қадимги касблардан бири ҳисобланади. Хатто инсоният тараққиётининг ибтидоий даврида ҳам аста – секин ҳаёт тажрибаси орттира бошлаган илк ота-боболаримизда ҳам ўз малака ва тажрибаларини ёш авлодга ўргатиш болалар, ўсмирлар ҳамда ёшларни ўқитиш эҳтиёжи пайдо бўлган.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолият заминида ёш авлодни одобли эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билим билаб қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма хил фаолиятига боғлиқ; болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳаказо.

Буларниг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билим, кучли ирода, юқори салохиятга эга бўлишни ҳамда ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустақилликка эришган сана - 1991-йил 1-сентябрь халқимиз ҳаётида улуғвор воқеалардан ҳисобланади. Мустақиллик ўқитувчилар олдига Ватан равнақи учун ҳормай толмай хизмат қила оладиган, буюк ватан йўлида ўз жонини аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг кўйди. Ўқитувчи – чуқур, умумий билим, кенг дунёқараш ва юқори касб тайёргарлиги эгаси, замонавий ахборот коммуникациялари бўйича етарли саводхон, ўз билимини тезлик билан янгилаш ва тўлдир олиш қорилиятига эга шахс сифатида қаралади.

Шулар қаторида унда интизомлилик, маъсулиятлилик, зиёлилик, мамлакат мустақиллигига, Ватан ва жаҳон тараққиёти йўлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғулари мавжуд бўлиши зарур.

Ўқитувчи ўз фаолияти, фани соҳасидан қатъий назар жамоада ишлай олиш қобилиятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликга эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишнинг ижтомий, сиёсий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиш керак. Чунки жамиятимизда содир бўладиган туб ўзгаришлар бозор муносабатларига кириб боришимиз ўқитувчидан нафақат касб билимларини, балки иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, техникавий билимлардан ҳам хабардор бўлишни тақозо қилмоқда.

Боланинг мактабга келиши унинг ҳаётида катта воқеадир. У мактабга келгач, унинг учун янги ҳаёти бошланади. У мактабдаги мавжуд нарсаларни кўради. Ўз тенқурлари билан танишади ва умуман мактабга қизиқиб қарайди. Аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам мактабда боланинг диққатини биринчи ва кўпроқ жалб этувчи унда чуқур таассурот қолдирувчи - **ўқитувчидир**. Мактабда ўқувчини диққатини аввало зиёли, яхши кийинган,

маданиятли, билимли, ширинсўз ўқитувчи ўзига жалб этади. Ўқитувчининг дастлабки дарслари ўқувчининг кўз олдида хурматга сазовар тарбиячи бўлиб қолиши ва педагогик фаолиятини муваффақиятли давом эттиришда катта аҳамиятга эгадир. Агар ўқитувчи синфда дастлабки дарсларидаёқ пухта тайёргарлик билан кирса, шубҳасиз ўқувчида ўзига нисбатан хурмат, ишонч хиссини уйғотади.

Биринчи кундан ўқитувчи ўқувчида ҳар жихатдан яхши сифатлари - билағонлиги, меҳрибонлиги, ҳушмомилалиги ва талабчанлиги, одиллиги, ғамхўрлиги, болажонлиги ва бошқа фазилатлари билан яхши тассурот қолдириши керак. Ўқитувчи одоби анашуларда кўринади, унинг обрўси эса ўша нарсаларга бевосита боғлиқдир. Ўқитувчи одоби ва шу нарсаларга эга бўлган муаллим ўқувчининг ортиқ даражада ҳаракатчанлиги ва шўхлигидан ғазабланмайди, чунки бу боланинг табиий хусусияти эканини яхши билади. Дикқат, кузатувчанлик, вазмин бўлиш каби сифатлар педагогик одобининг муҳим томони бўлиб, ўқитувчиларда характернинг ижодий белгиларини тарбиялашга ёрдам беради.

Орамиздаги шундай педагоглар ҳам борки, улар болалар билан бўлган муносабатда педагогик одобга зид хатти-ҳаракатларда бўладилар. Уларга нисбатан хурматсизлик қилиб, мурғак қалбига озор берадилар.

«Обрў» сўзи лотинча – таъсир, куч демакдир. Ўқувчиларнинг кўз олдида иззат, хурматга сазовор бўлган инсон обрўли ўқитувчи хисобланади. Ўқитувчи ўз обрўси туфайли болаларга кучли таъсир кўрсатади. Болалар ўзлари севган ўқитувчининг обрўсини идеаллаштиришга, хурмат – иззатини оширишга, айниқса, мойил бўлади.

Ўқитувчининг обрўли бўлишига фақат унинг чуқур билимлилиги кифоя қилмайди. У ўқувчиларни хурмат қилиши, севиши, уларга ишониши, ростгўй, камтар бўлиши айни чоғда болалар билан тез тил топа билиши шарт. Ўқитувчи мактаб раҳбари ва бошқалар билан муомиласида

педагогик одобини сақлаш лозим. Яхши одоби орқали обрў келишини унутмаслик керак. Агар ўқитувчи ўзини катта тутиб, кибр - ҳаво, манманлик, лаганбардорлик ёки ўринсиз итоатгойлик қилмаса, унинг ўқувчилар олдида обрўси ортади. Обрўли ўқитувчининг «тарбияси қийин» ўқувчиларга тарбиявий таъсири кучлироқ бўлади ва ишини самараси ҳам юқори бўлади. Болалар ишончини қозониш учун болалар характерини, хусусиятларини яхши ўрганиш керак. Кимки буни тез бажара олса, ўқувчилар хурматини тез қозонади. Демак, **таълим тарбия жараёнида болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, улар қалбига, онгига бориб етадиган ишончли педагогик таъсир кучига эга бўлган муомила муносабати ўқитувчи муваффақиятининг гаровидир.** Ўқитувчи ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиши боланинг айни вақтдаги руҳий ҳолатларини назардан қочирмаслиги керак.

Ўқитувчилик-ғоят оғир, маъсулиятли ва шарафли касб. Педагогик одобига эга бўлган муаллим ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тутишга ҳаракат қилади, чунки у қаерда бўлмасин, атрофда ўқувчилар борлигини ҳис қилади.

Ўқитувчи ёш шахс маънавий дунёси меъморидир, жамиятнинг ишончли кишисидир. Жамият ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлмиш болаларни - ўз умидини, ўз келажагини ишониб топширади. Бу ғоят олийжаноб ва қийин касб.

Атоқли ўзбек олими Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий ўзининг “Ҳаёт мактаби эсдаликлари” китобида: *“Ўқитувчи ҳам гўё бир боғбон. Фақат бизнинг боғимиз - мактаб, болалар бўлса ундаги гуллар ва ниҳоллар. Агар парварииш тўғри қилинса гуллар очилади, ниҳоллар мевага киради”* - деб тўхталиб ўтган.

Педагогик меҳнатнинг яна бир хусусиятларидан бири В.А.Сухомлинский таъбири билан айтганда шундайки, *у кичкина инсонни асраши сақлаши керак. Бу ўзига ҳос*

хусусият ўқитувчилардан юксак педагогик маҳорат талаб қилади. Ўқитувчи меҳнатини бирор нарса билан қиёслаб ҳам, таққослаб ҳам бўлмайди. Тўқувчи бирор соатдан кейин ҳосилини кўради, пўлат эритувчи бир соатдан кейин оловли метал оқимини кўриб қувонади, ер ҳайдовчи, дон сепувчи, галлакор далада ўстирган бошоқлари ва бир сиқим донидан завқланади. Ўқитувчи эса ўз ижодий маҳсулини кўриши учун йиллаб меҳнат қилиши керак. Ўқитувчи ҳар сония, ҳар бир дақиқада ўзининг ўттизта ёки қирқта тарбияланувчисидан ҳар бирини кўриб туриши, у шу дақиқада нималар ҳақида ўйлаётганлигини унинг қалбида нималар жўш ураётганлигини, қандай гам аламлар таъшишлантираётганлигини билиши керак. Ўқитувчи руҳини тетиклиги, ақлининг ўткирлиги, ҳиссиётларининг таъсирчанлиги узоқ йиллар сақлаш учун катта инсонпарварлик талантига ва ўз меҳнати энг аввало болаларга нисбатан чексиз муҳаббатга эга бўлиши керак, бу сифатларсиз педагогнинг меҳнати уқубатга айланади. Ўқитувчининг айнан мана шу сифати ўз меҳнатининг устасига айланишга, педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради.

Бугун ҳар бир ўқитувчи ўзига ишониб топширилган ҳар бир соат дарсни муқаддас деб билиши ва унга заррача хиёнат қилиб бўлмаслигини ҳис этиши лозим.

Демак таълим-тарбиянинг сифати, самарадорлиги биринчи навбатда сифатли таълимга боғлиқ. Сифатли таълим эса халқона тилда айтганда яхши муаллимга, ўқитувчи ва тарбиячига боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “яхши” деган сўзнинг ортида доимо ижобийлик, самарали натижага эришганлик тушунчаси туради. Яъни, яхши муаллимларнинг яхшилиги уларнинг юқори натижаларга эришган ўқувчилари ҳамда жамиятда ўэ ўрнини топган шогирдларининг кўплиги билан изоҳланган.

Яхши муаллим бўлмоқчимисиз?

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда яхши муаллим қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз:

— Аввало маданиятли, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қиладиган, зиёли, ватанпарвар, юрагида юрт ишқи, ватанга садоқат барқ уриб турган, самимимий ва очикқўнгил инсон бўлиши;

— Инсон ва устоз сифатида ўз ўқувчилари ва ҳамкасбларига шахсий намуна бўлиши;

— Ўз фани бўйича яхши касбий тайёргарликка эга бўлиши (доимий равишда фанидаги методик янгиликлардан хабардор бўлиши);

— Дарс жараёнида педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан ўз ўрнида самарали фойдалана олиши;

— Дарсга қўйилган мақсадларга эришиши, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг ахлоқий ва маънавий ривожланишига шарт-шароит, имконият яратиши;

— Қўлида қоғоз ва электрон шаклда (флешка, компьютерда ва бошқалар) фани бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, тақвим-мавзу режа, дарс ишланмаси (конспекти) мавжуд бўлиши ҳамда ўқитувчи булар ҳақида пухта билимга эга бўлиши лозим;

— Фан хоналари вазирлик тавсиялари асосида интерфаол усулда дарсларни юксак савияда ўтилишига доим тайёр ҳолатда бўлиши;

— Ҳар бир дарсга масъулият билан ёндашиб, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кириши;

— Ўқитувчи дарсини кузатишга келган ҳар қандай инсонлар олдида ўзини йўқотиб қўйиб, хижолатли вазиятга тушиб қолмаслик учун тегишли чораларни кўриши.

— Фан тўғрагини самарали фаолият юритишига шароит яратиши ва фаолиятини самарали йўлга қўйиши;

- Ота-оналарни фарзандларининг таълим-тарбия жараёнига кўпроқ ва кенгроқ жалб этиш, уларнинг хоҳош-истакларидан келиб чиққан жолда тўғарақяр ташкил этиш;
- Дарсга пухта тайёргарлик таълим муваффақияти ва самараси гарови эканлигини онгида, тафаккурида доимо фаоллаштириб туриши лозим.

Дарсга тайёргарлик босқичлари

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги шартли равишда қуйидаги икки босқичдан иборат:

1. Ўқитувчининг ўз фани юзасидан умумий тайёргарлиги.

2. Ўқитувчининг ҳар бир дарсга кундалик тайёргарлиги.

Ўқитувчининг умумий тайёргарлиги мунтазам амалга ошириб бориладиган жараён бўлиб, ўқув йили бошланиши олдидан қуйидагиларни қамраб олади:

— Давлат таълим стандарти (ДТС), ўқув дастури, ўқув режа ҳамда уларга берилган тушунтириш хатларини ўрганиб чиқиш;

— Ўзи дарс берадиган ўқув фанига оид янги илмий ва методик адабиётларнинг мазмуни билан танишиш;

— тегишли кўргазма материалларни, ўқув-жиҳозларини ўрганиш, уларни қўллай билиш;

— илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ўз билимини кенгайтириш;

— компьютер техникасидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириб интернет маълумотларидан самарали фойдаланиш кабилардир.

Ўқитувчининг дарсга кундалик тайёргарлиги энг асосий вазифалардандир.

Дарсга тайёргарлик кўриш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

1-босқич: Тақвим-мавзу режадаги янги мавзу ва унга ажратилган вақт (соат) аниқлаштириб олинади.

2-босқич: ДТС ва ўқув дастуридан ўтилаётган мавзу юзасидан ўқувчида қандай тушунчалар (билим, кўникма ва малакалар) шакллантирилиши лозимлиги аниқлаштирилиб, шу асосида дарс мақсадлари белгилаб олинади.

3-босқич: Мавзу асосида дарсда фойдаланиладиган техник воситалар, электрон манбалар, слайдлар, кўргазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар ўрганиб чиқилади ҳамда дарс ишланмаси (конспекти) ёзилади.

Дарс ишланмаси ўқув жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, ўқитувчидан чуқур билим, маҳорат талаб этади.

Узоқ йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, дарснинг муваффақиятли ўтиши аввало дарс ишланмасининг илмий, ҳар томонлама пишиқ ва пухта ёзилиши, мавзунинг долзарб жихатларини илмий изланишлар, хулосалар чиқариш орқали ёритиб бера олишга боғлиқдир.

Ўқитувчи дарс ишланмаси ёзиш жараёнида қуйидаги ишларни амалга ошириши керак:

1. Мавзуга оид адабиёт, манбалар ва танишиб чиқиш;
2. Режалар тузиш (режалар барчаси мавзунинг тўлиқ ёритишга хизмат қилиши);
3. Режалар сўнгида хулосалар бериб бориш;
4. Йиғилган манба ва адабиётлардаги материалларни ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
5. Материалларни умумлаштириш вақтида фактлардан, маълумотлардан ўринли фойдаланиш ва боғланишларга эътибор бериш, илмий хулосалар чиқариб бориш;
6. Дарс ишланмасини хажмига эътибор бериш, яъни хажми 3 бетдан кам бўлмаслиги керак. (машина ёзувида 2-3 бет).
7. Дарс мавзусига доир кўргазма, тарқатма, слайд ва бошқа иловаларни қисқача изоҳлаш;

Дарсликда ҳамма нарса мавжуд, ўқитувчи учун дарс ишланмаси ёзиш шартми деган саволга қуйидагича жаоб берамиз:

Тўғри маълумотлар дарсликда ҳам мавжуд, лекин у ўқитувчининг иштирокисиз “соқов” ҳолатда қолаверади.

Ҳар қандай оддий фактни ҳам турлича талқин этиш мумкин, ўқитувчи уни ўз салоҳияти даражасида намоён эта олади.

Айрим ўқитувчилар эса биргина дарслик билан чегараланиб қолиши мумкин. Бу ҳозирги замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Чунки ахборот коммуникация технологиялари соат сайин ривожланиб бораётган даврда бугунги ўқувчини янгиликлар билан хайрон қолдириш жуда қийин масала. Ўқувчилар олган билимларини, янгиликларини ўша соатда ёки ўша куни интернет орқали текшириш имкониятига эгалар.

Дарс ишланмаси ёзаётган ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида фактларнинг чексиз турларига дуч келади: унинг олдида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаёт ходисалари намоён бўлади. Ҳар бир соҳага доир фактар ўзига хос тус, характер, аҳамият ва нуфузга эга.

Дарс ишланмаси - мавжуд манбалар ва адабиётни қайтадан баён қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Унда ҳам қандайдир **янгилик** элементи бўлмоғи лозим. «Янгилик» тушунчаси илмий адабиётда етарли даражада аксини топмаган янги муаммони кўтариш, янги манбани аниқлаш, аввал номаълум бўлган фактларни топиш, маълум воқеалар ўртасидаги янги алоқаларни аниқлаш ва ниҳоят, аввалдан маълум муаммони бошқача нуқтаи назардан ҳал этишга уринишдан иборат.

Дарс ишланмаси ёзиш учун ўқитувчи ўзини ўқув йиллари давомида бу ишга тайёрлаб бориши керак.

Дарс ишланмаси ёзганда ўқитувчи зарур булган бир йўла бир неча вазифани бажаради. Яъни аввало фани бўйича билимларни амалиётда комплекс қўллашга

ўрганади. Иккинчидан дарс ишланмаси ёзиш жараёнида турли фанлардан эгаллаган билимларга бир неча бор қайта ва қайта муружат қилади.

Бу билимлар хотирасида қайтарилавериб, унинг малакасига айлана бошлайди. Учинчидан дарс ишланмасини ёзганда ўқитувчи ҳар хил ва турли адабиётлар кўради, уларни таҳлил қилади. Шу билан унинг адабиётлар билан ишлаш кўникмаси малакага айлана боради ва ниҳоят дарс ишланмасини ёзганда ўқитувчи ўз фикрини бошқаларга ёзма тил орқали ифода эта олиши кўникмасини эгаллайди.

Дарс ишланмаси ёзишда фаннинг назарий асосларини қайтадан кўриб чиқиб, хотирасидан тиклаб олишдан бошланади. Бунинг учун ўқитувчи ўзи аввал ёзган дарс ишланмалари ва фойдаланган дарсликларини йиғиб олиб, уларни солиштиради. Уларда тафовут бўлса, сабабини аниқлайди ва тузатиб қўяди.

Дарс ишланмаси ёзишда эгаллаган билимларни амалиётда қўллаш услубини фақат ёзма равишда ифода этиш йўли билан кифояланмай, бу билимларни ҳаётда ишлатиш йўллари ҳам ўрганади.

Дарс ишланмасини таркибан қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:

- ташкилий қисм;
- ўтилган мавзунини такрорлаш (мустаҳкамлаш);
- янги мавзунини тушунтириш;
- янги мавзунини мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларни баҳолаш;
- уйга вазифа бериш.

Дарс ишланмада дарснинг мақсади (дарсга қўйилган мақсад 45 дақиқа давомида бажариладиган (эришиладиган), аниқ, ҳаётий (реал) ва дарс якунида баҳоланадиган (ўлчамли) бўлиши мақсадга мувофиқ) аниқ ва равшан, керак бўлса сонияларгача ёритилиши лозим.

Одатда мазкур дарс ишланмаси учун зарур бўлганига қараганда кўпроқ миқдорда факт ва далиллар тўпланади. Йиғилган материалларнинг ҳаммасини ҳеч қачон дарс ишланмасига сиғиштириб бўлмайди, лекин ўқитувчи ўқиб чиққан кўплаб манбалар унинг савиясини ўстиради, мавзунини чуқур ва атрофлича англаб етиш имкониятини беради.

Бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб топдик: дарс ишланмаси (конспект) ни ёзмасдан дарс ўтиш мумкин эмас!

Қуйида инсонларни маълумотларни эслаб қолиш турлари ва натижаларини келтириб ўтамиз.

Маъруза Ҳикоя Тушунтириш Йўриқнома бериш	<i>Тинглаганимизда, 5 %</i>
Китоб билан ишлаш	<i>Ўқиганимизда, 10%</i>
Намойиш Кўрсатиш Видео усул	<i>Кўрганимизда, 20% Кўриб ва тинглаганимизда, 30%</i>
Баҳс Суҳбат Ақлий ҳужум	<i>Биргаликда муҳокама қилганимизда, 40% Ўқиганимизда, ёзганимизда, суҳбатлашганимизда, 50%</i>
Ўқув ўйини Муаммоли топшириқ Лойиҳалар усули	<i>Мустақил ўқиганимизда, таҳлил қилганимизда, ёзганимизда, муҳокама қилганимизда, ҳимоя қилганимизда, намойиш қилганимизда, 75%</i>

Она тили ўқитувчисига математик билимлар керак(ми)?

Биз шу ўринда замонавий ўқитувчи айниқса, ихтисослашган мактаблар, мактаб-интернат ўқитувчиларига қуйидаги талабларни қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз:

Ўқитувчи ўзи дарс берадиган синф ихтисослигини яқиндан билиши, ихтисослик фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар билан мустаҳкам алоқада бўлиши лозим. Математика фанига ихтисослашган синфда дарс берадиган ўқитувчилар математика фанидан минимал талабларни имконият даражасида билишлари мақсадга мувофиқ.

Масалан, 5-синф она тили дарслигида қуйидаги топшириқ берилган. Бу топшириқни ҳал қилиш учун она тили ўқитувчисидан билим ва маҳорат талаб қилинади. Шу каби топшириқларни бир неча усулда, ўқувчилар ёрдамида ҳал этиш муваққиятлар гаровидир.

Топшириқ. Т.Адашбоев ижодидан келтирилган шеърларни ўқинг. Математик қобилиятингизни синаб, шеърлардаги масалани ечинг.

ОҚ ШАФТОЛИ

Боғ кўчада
Оқ шафтоли.
Эллик учта
Тоқ шафтоли.
Собир уни
Қоқди кеча,
Солижонга
Тегди бешта.

Ўта ширин,
Хушбўй эди.
Еттовини
Норбой еди.
Ўн тўрттасин
Боғбон олди!
Хўш, челақда
Нечта қолди?

БОБО, ҚАНЧА ЁШИНГИЗ?

-Бобо, кенжа набирангиз
Неча ёшга чиқди ҳозир?
Кенжам Назир,
Мен қанчага чиққан бўлсам,
Шунча ойлик бўлди, бўтам.
- Сиз қанчага чиқдингиз?
-Қайтиб-қайтиб сўрар Жавлон.
- Етмиш саккиз ёшга чиқдик,
Набирамиз икковлон.
-Вой, қизиғ-а, хўш қандай?
- Менинг ёшим уникага кўшганда...
Ким топади Рўзмат бобо
Қанча ёшга тўлганлигин?
Набираси Назир эса
Неча ойлик бўлганлигин?

Ёки она тилига ихтисослашган синфда математика фанидан дарс берадиган ўқитувчилар ҳам она тили ва адабиёт бўйича зарурий билимлар - имло ва бошқа қоидаларга риоя этиш, атоқли шоир ва адиблар ҳаёти ҳамда ижодини билиш, шеър ва ғазалларни ёддан ифодали ўқий олишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ва шу каби барча фан ўқитувчилари ихтисослик фанларидан дарсликларни мунтазам вароқлаб боришлари, мазкур фанлардан дарс берадиган ўқитувчилардан ёрдам ва маслаҳат олишлари керак. Бу ихтисослик фанларини ўқиётган ўқувчиларга янада “яқинроқ” бўлиш имконини беради.

Дарс ишланмалари ёзаётганда ихтисослик фанлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, шу фанга боғлиқ бошқотирмалар, топшириқлар тузиш яхши натижа беради.

Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари

Ўқитувчи аввало ҳар бир дарсга мукамал тайёрланмоғи, дарс якунида барча ўқувчилар етарлича билимга эга бўлишларига эришмоғи лозим. Бироқ дарслар жараёнида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, дарсликдаги маълумотларни, ёки ўқитувчи айтган барча тушунчаларни ҳамма ўқувчилар бир хилда ўзлаштира олмайди, олинган тест натижалари таҳлил этилганда баъзи ўқувчилар билим, кўникма ёки малакани ўзлаштира олмайди, натижада билимида бўшлиқ пайдо бўлади.

Ўқувчи билимидаги бўшлиқни аниқлаш учун бизга таниш 01 жадвалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

Ta'lim tarbiya xolatining monitoringi																												1-jadval				
Viloyat	Namangan	Tuman	Chortoq	5 DIMI					Sinf	9a	Fan	Algebra																				
Sinovda qatnashgan o'quvchilar soni		28		Tekshirilayotgan BKM					700			Standart BKMLar					25					sana										
Maktab direktori G.Qushmanova				Fan O'qituvchisi					Q.Qosimov																							
T/p	O'quvchilar	DTS talablari asosida aniqlanayotgan bilim, ko'nikma va malakalar(BKM)ning tartib raqami va ularning o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishi to'g'risidagi ma'lumotlar																									O'zlashtirilgan BKMLar		Darslikning ma'nodligi	Goldirilgan darslar	Daxmat	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	soni	%				
1	Abdug'ofurova Shodiya	1	1	1	0	1	1	0	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	21	84	1	100		
2	Abdujabbarov Lochinbek	1	1	1	1	0	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	0	1	1	0	1	1	1	19	76	1	100		
3	Abdullayeva Sarvinoz	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	0	1	1	0	1	0	1	1	1	1	1	20	80	1	100		
4	Abduxalilov Foziljon	1	1	0	1	1	1	0	1	1	0	1	0	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	19	76	1	100		
5	Adashev Samadjon	0	0	0	1	1	1	1	0	0	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	17	68	1	100		
6	Ahmadaliyeva Odina	1	1	1	0	0	1	0	1	1	0	0	1	1	1	0	0	1	0	0	1	0	1	1	1	1	16	64	1	100		
7	Aloxanov Otabek	1	0	1	1	0	1	0	1	0	0	1	1	0	1	1	0	0	1	1	1	1	1	1	1	1	16	64	1	99		
8	Avazbekov Abdullo	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	23	92	1	100		
9	Dolimirzayev Javoxir	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	0	1	1	0	1	1	1	1	22	88	1	100		
10	Ergashev Jasurbek	1	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	0	1	1	1	1	0	1	0	1	0	1	0	0	1	17	68	1	100		
11	Jafaraliyeva Shaxnoza	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	22	88	1	100		
12	Karimova Dilnura	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	1	1	0	1	1	1	21	84	1	100		
13	Mahamudaliyeva Gulmira	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	1	1	1	1	1	23	92	1	100		
14	Mahamudaliyeva Nodira	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	0	1	0	0	1	1	1	1	1	20	80	1	100		
15	Maxmudova Dildora	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	23	92	1	100		
16	Maxmudova Odina	1	1	0	1	1	0	0	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	0	1	0	0	0	17	68	1	100		
17	Nabijanov Bekzod	1	1	1	1	1	0	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	0	1	1	1	21	84	1	100		
18	Nosirova Dilnoza	1	1	1	0	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	0	1	1	1	0	1	1	1	1	1	21	84	1	100		
19	Qosimov Abdusamad	1	1	0	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	22	88	1	100		
20	Raximjanov Javoxir	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	21	84	1	100		
21	Satimova Zulayho	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	23	92	1	100		
22	Sobirova Odina	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	1	1	1	1	1	1	1	22	88	1	100		
23	Toshibayev Sherzod	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	0	1	1	1	1	1	22	88	1	100		
24	Tursunova Husnida	0	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	21	84	1	100		
25	Unmatov Umiddjon	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	0	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	21	84	1	100		
26	Uralov Azamat	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	0	22	88	1	100		
27	Xudayqulov Jaloliddin	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	1	1	0	0	1	1	1	1	1	21	84	1	100		
28	Yoqubjanova Shoxsanam	1	1	1	0	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	24	96	1	100		
To'g'ri		24	25	24	21	23	22	23	26	26	21	24	23	23	23	25	25	23	18	21	26	21	23	25	23	21	577	82%				
*	Foizi	86	89	86	75	82	79	82	93	93	75	86	82	82	82	89	89	82	57	75	93	75	82	89	82	75						
O'qituvchi		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	25	100				
Fan o'qituvchisi																																

Демак 18-тестни 12 нафар ўқувчи хато бажарган. Натижада синф бўйича айнан шу масала 57 фоизга бажарилган.

Бўшлиқ аниқлангандан сўнг аввало ўқитувчи ўз фаолиятига, айнан шу мавзу юзасидан ёзган дарс ишланмасига қайтадан танқидий назар солиши керак.

Шундан сўнг синф раҳбари билан ҳамкорликда ўқувчи ўзлаштиришига таъсир қилувчи сабабларни излаш, аниқлаш зарур. Бу сабаблар ўқувчи шахсига боғлиқ бўлган (субъектив) ички, яъни шахсий ахлоқий фазилатлари, иродасининг суст ривожланганлиги, билишга бўлган қизиқишларининг талаб даражасида эмаслиги, жисмоний дармонсизлиги, ўқувчи томонидан кўп дарс қолдириши (сабабли ёки сабабсиз), ўқишга қизиқишининг йўқлиги ва ўқувчига боғлиқ бўлмаган (объектив), яъни дарс ўтишда бу ўқувчига аввалроқ эътибор қаратилмагани, синфдошлари ёки мактабдошлари ўртасидаги муносабатлари, мактабдан ташқаридаги муҳит таъсирлари, ўқувчи уйида дарс тайёрлаши учун яратилган шароитдаги камчиликлар, ота-онанинг эътибори, ўқувчи тўлиқ ўқув қуроллари билан таъминланмагани, оилада соғлом муҳитнинг таъсири ташқи омиллардир.

Шу ўринда биз ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни баратараф этиш билан бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш тушунчаларининг фарқланишини яна бир бор эслатиб ўтамиз!

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳолатлар ўрганиб чиқилгач, ўқитувчи қайтадан шу мавзу бўйича дарс ишланмаси, реферат, слайд ва кўргазмалар, тарқатмалар тайёрлайди. Бунда илғор тажрибали ўқитувчилардан маслаҳат ва ёрдам олади. Зарур ҳолларда фан услуббирлашмаси муҳокамасига кўяди. 12 нафар ўқувчини ҳар бирига индивидуал ёндашиб, топшириқлар беради ва бирор бир санани белгилаб қўшимча дарс ўтишини

огоҳлантиради. Тўғарак машғулотларига шу ўқувчиларни таклиф этади.

Шундан сўнг қуйидаги жадвалларни тўлдиради.

__sinf _____fanidan _____nazorat ishida o`quvchilar bilimida paydo bo`lgan bo`shliqlar	
Savollar	
1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	
Bo`shliqlarni to`ldirish uchun aniqlangan mavzular	

Bilimida bo`shliq paydo bo`lgan o`quvchilar bilan aniqlangan mavzular ustida ishlash rejasi							
t.n	O`quvchining ismi va familiyasi	Oy kun					O`tilgan mavzu nomi
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							

10							
11							
12							

Ўқувчилар билан қайта ишлангандан сўнг БКМ бўйича алоҳида – алоҳида маълумотларни аниқланади.

О`қувчилардан қайта синов о`tkazilganda о`қувчиларнинг о`zlashtirish darajasi											
tn	О`қувчининг ismi va famiyasi	Element nomi	БКМ elementlari DTSga asoslangan xolda								
			B			K			M		
			Ozlashtirdi	Qisman o`zlashtirdi	Oz`lashtirmadi	Ozlashtirdi	Qisman o`zlashtirdi	Oz`lashtirmadi	Ozlashtirdi	Qisman o`zlashtirdi	Oz`lashtirmadi
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
11											
12											

Юқоридаги жадваллар ҳар бир ўқитувчида китобча шаклида тўплам холида бўлади ва ўқув йили охирида барча хисоботлар билан биргаликда сақлаш учун мактаб маъмуриятига топширади.

Ҳақиқатдан ҳам ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар аниқланган тақдирда услуббирлашма ва методик кенгаш

Йиғилишларида муҳокама этилади ва вилоят халқ таълими бошқармаси ва республика таълим марказига илмий асосланган ҳолда тақдим этилади.

Биз қуйида баркамол инсон ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши учун зарур бўлган **таянч компетенциялар** ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.



1. Коммуникатив компетенция

Жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукамал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиши

Ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб саволларни логикан тўғри қўя олиши ва жавоб бериши

Ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиши, жамоавий ҳамкорликда ишлаш олиши

Мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз позициясини ҳимоя қила билиши, уни ишонтира билиши;
Турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиши.

2. Ахборот билан ишлаш компетенцияси

Мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиши

Медиа воситалардан зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиши

Маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиши

Кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлаш олиши (*оддий табриқномалар ёза олиш, анкеталарни тўлдирши, меҳмонхона рўйхатида ўзи тўғрисидаги маълумотларни қайд эта олиши ва бошқ.*)

3. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси

Шахс сифатида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириш, жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга интилиш



Ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш



Ўз ҳатти-ҳаракатини адвокат баҳолаш, ўзини назорат қила билиш, ҳалоллик, тўғрилиқ каби сифатларга эга бўлиш



Ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалиқ турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш

4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси

Жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва фаол иштирок этиш



Ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиш (яъни харидор, сайловчи, миждоз, ишлаб чиқарувчи сифатида фаолият юрита олиш)



Меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала, иқтисодий, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш



Касбий мавқеининг ўсишига интилиш билан жамият ва оиласи Манфаатлари учун хизмат қилиш, ёрдамга муҳтожларга саховатли бўлиш

5. Умуммаданий компетенция

Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш

Бадий ва санъат асарларини тушуниш, таъсирлана олиш, ораста кийиниш, юриш-туришда маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш

Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни (*урф одатлар, маросимлар, миллий-маданий анъаналар ва.ҳ.к.*) билиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш

Ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, ўзгаларнинг дунёқарши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш, халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш, жамиятда ўрнатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш

6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси

Аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларини туза олиш

Шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш

Кундалик фаолиятда турли формула, модел, чизма, график ва диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланиш

Инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган ва қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдалана олиш

Фойдаланилган адабиётлар

1. Таълим тўғрисидаги Қонун.
2. **И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч**
3. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин.
4. **И.А.Каримов, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар**
5. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.
6. Халқ таълими вазирлигининг “Дарс муқаддас” ва “Яхши муаллим – сифатли таълим” тадбирлар комплекси.
7. Интернет маълумотлари

